

«8-темир-бетон буюмлари заводи» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларини шахримизда қад қўраётган барча қурилиш майдонларида учратиш мумкин. Ҳозир корхонада етти та цех тўла қувват билан ишлаб, 200 турдан ортиқ маҳсулотни буюртмачиларга ўз вақтида етказиб бермоқда.

Бу йил жамият аъзолари цехлар сонини 8 тага етказишди. «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси билан ҳамкорликда бунёд этилган ушбу цехда қурилишлар учун зарур бўлган электрод ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари (3-4-саҳифаларда эълон қилинмоқда).

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Швейцария «Вольфсон Шарк интерпрайзис» қўшма корхонаси 1993 йили ташкил топган эди. Марказий офиси Россия элчихонаси биноси яқинида жойлашган ушбу қўшма корхона асосан мураккаб настандарт дастгоҳлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Яъни бу ерда турли прессформалар, кичик гипс заводлари, курук тупрокни пресслаш йўли билан гипс ва йўлқалар учун ишлатиладиган плиталар тайёрлайдиган ихчам дастгоҳлар ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона бош директори Александр Табаровский бизга қуйидагиларни гапириб берди.

Ҳамкорлик

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

— Корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг тури кўп. Чунки бир миқоз биздан макорон тайёрлайдиган дастгоҳ ишлаб беришмишни талаб этса, бошқаси печеньеи қадоқлаб, ўраб берадиган дастгоҳлар, муҳтож эканлигини айтиб мурожаат қилади. Хуллас, буюртмачиларимиз етарли. Уларнинг барчасини талаб ва истаklarини тўлиқ қондиришга ҳаракат қиламиз.

Шу кунларда республикамиз вилоятларидан келган миқозларнинг буюртмалари бажарилмоқда. Жумладан, маҳсулотларни қадоқлаб, ўраб берадиган дастгоҳлар, кока-кола, фанта каби ичимликлар солинадиган полипропилен идишлари, полипропилен плёнкаси ёрдамида тайёрланадиган ва турли хил озиқ-овқатларни ўраб беришга мўлжалланган халтачалар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари гипс ва йўлқаларга ишлатиладиган плиталар тайёрлайдиган турли

пресслар, шлакоблок дастгоҳлари, бетон қорадиган машина ва кичик гипс заводлари тайёрланмоқда. Шунингдек, жамоамиз полистилендан турли ҳажм ва катталикларида идишлар, автоматлар, прессформалар, дастгоҳлар, канистр, банка ва бошқа идишлар ишлаб чиқарадиган қурилмаларни буюртмачиларга етказиб бермоқда.

Буюртмачилар билан бирга тузган шартномага мувофиқ уларнинг талаблари юқори даражада қондирилмоқда. Жамоамизда меҳнат қилаётган барча ишчи ва мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар, юзасига малакага эгадирлар. Шунинг учун ҳам улар томонидан тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот ўзининг сифатлиги ва жаҳон андозасига мос келиши билан ажралиб туради.

Бу йилдан бошлаб Тошкент метрополитени учун ҳам айрим буюртмаларни бажариб беришга киришдик.

Илҳом ШЕРМУХАМедОВ.

Хотира ва қадрлаш — муқаддас туйғу

ЯХШИЛИКЛАРГА УНДАЙДИ

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ушбу йилдан эътиборан мамлакатимизда ҳар йили 9 майни Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифлари ҳаммаҳарларимиз дилидаги гаплар бўлганлиги боис ҳам улардан кетма-кет муносабат билдирилган мактублар олинмоқда.

• Хошимжон МАНСУРОВ, уруш қатнашчиси:

— Мустақилликка эришганимиздан буён барча хайли ишларнинг бошида йўлбошимиз турганлиги готда фахридир. Унинг гапларидан шу нарса ёрқин кўриниб турибдики, эндиликда 9 Май кунини нишонладиган Хотира ва қадрлаш кунини нафақат урушда шахид кетганлар, балки ўзидан яхши ном қолдирган, эзгу ишларни амалга оширган барча кишилар хотираси эсланади, шу билан бирга фарзандларига ибрат йўлини кўрсатаётган кесаларимиз ҳаммаша эъзозда бўлиб қадрланади. Бу кун, албатта, барчани яхшиликларга ундаши шубҳасиз. Чунки улар қолдирган ўлмас излар қолганларга ибрат бўлиб туради. Бу хайли ишнинг бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётгани қалбларни тўлқинлантирмай қолмайди.

• Нуриниса ДҲСМАТОВА, кўп болали она:

— Онам то ҳаётдан кўз юмгунларича — урушга кетиб дом-дараксиз йўқолган 3 акиси — тоғаларимнинг йўлига кўз тутдилар. Қара, бугун уларнинг армилари ушаладиган бўлади. Пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдонидида қитобларга энди уларнинг ҳам номлари ёзилди. Президентимизнинг таклифларини эшитиб шу нарсалар ҳаёлимдан ўтди. Айтомқчиманки, Хотира ва қадрлаш кунини бор экан, ўз юртини севган ҳар бир инсон ўзидан яхши из қолдиришга ҳаракат қилади. Ўзиндан энг яхши хотираларини ибрат қилиб қолдириш жуда катта бахтдир.

Шарифа ИЛЕСОВА ёзиб олди.

НОМПАРИ БАРҲАЁТ

Йўлбошимиз Ислам Каримовнинг 9 Майни Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонлаш тўғрисидаги таклифлари халқимиз дилидаги айни муқаддас бўлди. Бинобарин, айни шу кунларда пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидида қад қўраётган Хотира майдони ҳам мамлакатимизнинг ҳар бир кишини ўзини муқаддас қадамжого айланади.

Маълумки, бундан бир йил муқаддам мамлакатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини муносиб ёдлаш тўғрисидаги фикрни илгари сурган эдилар. Ана шу муносабат билан шаҳар махсус «Хотира» жамғармаси ташкил этилган эди. Ҳозир ушбу жамғарма 9 Май — Хотира ва қадрлаш кунига катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

— Жамғармаимизнинг асосий вазифаларидан бири, — дейди «Хотира» жамғармасининг ижро-ди директори Абдурашид Маждидов, — мардлик ва жасорат кўрсатган қаҳармонларнинг номларини ва уларнинг иззатини жой-жойига қўйишдир. Шу ўринда «Нуроний» жамғармасининг «Хотира» жамғармаси билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб бораётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Ҳар биримизнинг қўзлаган мақсадимиз Хотира майдонидида қад қўраётган мажмуа атрофида, Мотамсаро она хайкали ёнидаги ҳамма ишларни рисоладегидек бажаришдир. Бу ердаги барча ишлар 9 Май — Хотира ва қадрлаш кунини арафасида ниятсизга етказилади.

Бизнинг халқимиз ўзининг саховат-пешалиги билан доғру қозонган. Бинобарин, шундай экан, кимда-ким пойтахтимизда бошланган хайри ишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлса биз уларнинг эътиборига Тошкент шаҳар «Хотира» жамғармасининг ҳисоб рақамини эълон қилишмоқчимиз. У қуйидагича: 2021200000 3941265001 МФО 00419 «ДА Ўзуйжойжамғармабанки».

Республикамизда спортнинг барча турлари, айниқса миллий курашнинг ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда.

КЕЧА

матбуотда Президентимизнинг «Халқаро «Кураш» Ассоциациясининг қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони чиққандлиги ҳам фикримиз далилидир. Биз Халқаро «Кураш» Ассоциациясининг бош қотиби Аббос Тўйчибоев билан ушбу Фармоннинг моҳияти, қўрғинида миллий курашнинг халқаро майдонга олиб чиқиш борасида қилинган ишлар ҳусусида суҳбатлашдик.

— Авваламбор ўзбек миллий курашининг жаҳон спорт тури сифатида тан олиншидан республикамиз раҳбарияти ва шаҳсон Президентимизнинг ҳамхўрликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки, 1 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг «Халқаро «Кураш» Ассоциациясинини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонининг имзоланиши ҳам Халқаро «Кураш» Ассоциациясининг ўз олдига қўйган мақсади — яъни ўзбек курашини олимпия йўналиши дастурига кириштириш ҳаёратини тезлатишда муҳим омил бўлиб ҳисмат қилади. Фармонга кўра «Кураш» Ассоциациясинини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 миллион сўм миқдоридида маблағ ажратилиши, ассоциация ва унинг бўлими ва корхоналари барча солиқ, божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилиши, ҳомиёлларга берилмаётган имтиёзлар — бу давлатимизнинг улкан маддидир. Зеро, давлат томонидан бундай қўллаб-қувватлаш маддаида бу жараён яна бир неча йил давом этиши мумкин эди.

Ўзбек миллий курашининг жаҳон спорт майдонларига чиқиши, миллий атамаларимизнинг дунё мамлакатлари бўйлаб тарқалиши мустақил Ўзбекистон ва ўзбек халқи учун, юрти-

мизнинг дунёга танилиши йўлидаги нечоғлиқ муҳим қадам эканини республикамиз раҳбарияти тушунган ҳолда

Газетанинг шу сонига

КУРАШИМИЗНИНГ СПОРТ ТУРИДАГИ ЭЪТИРОФИ



1998 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Президентини саврини учун Кураш бўйича биринчи Халқаро турнирнинг ўтказилиши юртимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу бошланган ишларнинг биринчи босқичи эди.

Мана, ҳозирги кунда ўзбек миллий кураши бўйича Халқаро «Кураш» Ассоциацияси тусилиб, унга 28 та мамлакат аъзо бўлиб кирган, Халқаро «Кураш» Ассоциацияси таъсис конгресси-нинг қарорига мувофиқ 1999 йил 29 апрель — 3 май кунлари шаҳримизда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилиши белгиланган. Хали Ўзбекистон тарихида юртимизда ҳеч бир спорт тури бўйича жаҳон чемпионатлари ўтказилмагани, энг муҳими, ушбу мусобақалар миллий спорт туримиз

Польша, Литва, Грузия, Арманистон каби даъвогар мамлакатларнинг баҳси қизгин паллада. Хуллас, Европада қиз-қиз тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бинобарин, Европорт телеканал ва яна бир неча чет эл фирмалари ушбу чемпионатга ҳомийлик қилиш ниятини билдириб, бизга мурожаат қилишмоқда. Шундай ниятлар чет мамлакатлардан эмас, авваламбор ўзимиздан чиқса уйламанки, курашимизнинг ривожланиши, унинг тез орада аввал республикамизда мустаҳкам негизини яратиши, профессионал клублар ташкил этишга қўлай имкониятлар туғди-рилар эди.

Президент саврини учун I халқаро мусобақаларда қатнашган чет эллик мутахассислар курашимизни XXI аср спор-

ти дея баҳолашлари эса нур устига аъло нурдир.

— Бунинг сабабини изоҳлаб берсангиз.

— Чунки ўзбек курашининг дзюдо, самбо ва бошқа турдаги курашлардан фарқи шундаки, унда оғиртиш, қўйнаш ва бўғиш усуллари йўқлиги, яъни инсонларараликка йўғрилганлиги, кураш жараёнининг шиддатли эканлиги Европа ва бошқа қитъалар вакилларини мафтун этди. Шунини айтиш кераки, японлар дзюдонин олимпик дастурига кириштириш учун 30 йил ҳаракат қилишди. Биз эса битта мусобақа ўтказиб ҳозирча 28 та мамлакатни ўзимизга қаратдик. Хатто нокикбат европаликлар ҳам янги миллий спорт туримизни дзюдо ва самбодан ҳам афзал қўришпти. Эндиликда биз курашимизни мафтундор, шиддатли, инсонпарвар ва адолатли эканлиги тўғрисидаги гоёни жаҳон мамлакатларига сингдириб, улар дилга чўғ ташлашимиз керак. Унинг албанга олишига эса шак-шубҳа йўқ.

— Дастлабки жаҳон чемпионатига тайёргарлик тўғрисида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Мусобақалар замонавий «Жар» спорт марказида ўтказилади. Бундай нуфузли мусобақани ўтказишга махсус шарт-шароитлар талаб этилиши туфайли чемпионат жойини тайёрлаш ишларини дарҳол бошлаб юборишмиз шарт. Муаммолар ҳам мавжуд ва уларни бугун ҳал қилишимиз керак. Вақт озлиги сабабли барча дахлдор ташкилот ва идораларни жаҳон чемпионатини тайёрлаш ва уни ўтказиш ишларини бугундан бошлаб юборишга даъват қиламиз.

Дилшод ИСМОИЛ суҳбатлашди.

ДАВР САДОСИ

Тошкент оқшомини

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАҲОНДА

• Давлатимиз ва ҳукулатимизнинг марҳамати билан Ватан муқофотларига сазовор бўлган ўзбек миллий санъати ва адабиётининг бир гуруҳ намояндалари «Ватанга таъзим» бадиий кечаси қатнашчилари номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ўз санъатларига берилган жуда катта эътибор ва алоҳида ҳурмат учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

• Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси пойтахт санъат муҳлисларига давлатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримов Фармонида биноан Ватанимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланган таниқли хонанда, соҳнада ва рақосаларнинг «Ватанга таъзим» деб номланган концерт дастурини ҳавола этди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ҳўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигини ва уларнинг фаолият олиб боришини таъминлаш» мавзусида навбатдаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

• Кеча Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қизил Ҳоч ва Қизил Яримой жамиятлари Халқаро Федерацияси ўртасида Халқаро Федерация ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги делегациясининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида Битим имзоланди.

• ЮНЕСКОнинг тарихий ёдгорликлар бўйича етакчи вакили Андреа Бруно Кашкадарё вилоятида бўлиб, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларидаги тарихий обидалар билан танишди.

• Самарқандда «Имом ал-Бухорий ва ёшлар маънавияти» мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар ходимларга қишлоқ ҳўжалигида бозор ислохотларининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини ўқитиш бўйича иккинчи босқич таълими бошланди.

• Бугун Тошкентда Марказий Осиёда ядро қурилишидаги бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг сессияси ўз иштини ниҳосига етказди.

• Навоийда қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг ўн кунлик ўқув бошланди.

• Республика матбуотида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Урмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. (Мамлакатимиз пойтахтида «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлари» қандай ўтаётганлиги тўғрисидаги туркум мақолаларни газетанинг 6-саҳифасида ўқийсиз).

• «Ўзбекистон Республикаси» акциядорлик жамиятининг мутахассислари махсус алюмин қўямасини тайёрлашга эришдилар.

• Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг спорт мажмуиди болалар-ёшлар футбол мактабининг очилиш маросими бўлди.

• Кеча пойтахтимиздаги Киночиқар йўлида мамлакатимиз студияларида 1997—1998 йилларда суратта олинган бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларнинг муҳокамасига бағишланган ижодий анжуман ўтказилди.

«Ташаббус — 98» танловининг Тошкент шаҳар ҳокими саврини учун шаҳар босқичини ўтказиш бўйича ташкил қилинган навбатдаги аъёнага айланган пойтахтда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва хўнара-налар танлови ўтказилиши маълум қилади.

Танлов «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хўнаранд» номига сазовор бўлиш учун ўтказилади.

Танловнинг асосий мақсади энг яхши тадбиркор ва хўнарандларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини омалаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга

хисса қўиш, мамлакатимизда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўлайлаштиришдан иборатдир.

Ўз фаолиятлари давомида яхши кўрсаткичларга эришган,

«Ташаббус — 98»

ТАДБИРКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ишлаб чиқаришлари ҳақида тўлиқ маълумот бера оладиган ва янги лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳўсейн, кичик ва ўрта корхоналарнинг раҳбар ва эгалари, ҳўсейн тадбиркорлар, халқ хўнарандчилиги усталари танлов иштирок-

чилари бўлиши мумкин.

«Ташаббус — 98» танловида иштирок этишни хоҳловчиларга фирмалар рўйхатдан ўтказилган жойига қўра туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига шу йилнинг 7 февралига қўйидаги телефонлар орқали мурожаат этишларини тавсия этилди:

Акмал Икромов — 74-56-36
Бектемир — 195-18-35
Миробод — 55-48-02
Мирзо Улугбек — 65-81-51
Собир Раҳимов — 48-10-22
Сергели — 57-83-56
Хамза — 132-06-08
Шайхонтоҳур — 41-51-80
Юнусов — 35-73-09
Яхсаров — 55-66-13
Шаҳар палатаси — 133-27-07,
136-33-31, 55-56-33.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси:

«Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳақдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш чiqиш имкониятини яратиб бериши лозим».

Ушбу модда Асосий Қонуниимизнинг «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамяият ва фуқаролар олдиди масъулдилар» (2-модда) деган энг асосий қондасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон фуқароларининг муҳим шахсий ҳуқуқларидан бирини мустаҳкамлайди. Бошқача сўз билан айтганда, унда фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсасдан устуңлиги ва олий қадрият эканлиги яна бир қарра эътирф этилади. Бу модданинг мазмунидан шу нарса келиб чиқадики, фуқаролар аввало ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек бурчларини билиб олишлари ва улардан кенг фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Мазкур моддада бир томондан, барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳақдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш чiqиш имкониятини яратиб бериш мажбурияти юкланса, иккинчи томондан, ҳар бир фуқарога ана шундай имконият яратилишини талаб қилиш ҳуқуқи қафолатланади. Бу Конституциямиздаги шахсий ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, ҳуқуқ ва эркинликлар таъминлашни ҳақида қамқўриш қилиш, демократия, адолат, инсонпарварлик тамойилларини рўйбга чиқариш каби умуминсоний қадриятларнинг ёркин ифодасидир.

Ўзбекистон фуқаролари Конституциянинг 30-моддада назарда тутилган ҳуқуқдан ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини йўлида ҳамма вақт фойдаланишлари мумкин. Масалан, олий ўқув юрти, коллеж, лицей ёки бошқа билим даргоҳларига ўқишга қирмоқиш бўлган ёшларнинг аризалари асоссиз равишда рад этилса, улар шундай ўқув юртларига ўқишга қирмоқиш тартиб-қоидалари билан танишиш мумкин. Ҳудди шунингдек, улар юқоридаги билим юртларига ўқишга қирмоқиш учун топширган синов ёки им-



Конституция
яшамокда ва амал
қилмоқда

ҲУҚУҚ ВА
МАНФААТЛАР —
ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

тихон натижалари ва уларга берилган баҳолар, ҳулоса-лар билан танишиш имконияти яратиб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Яна бир мисол: Ўзбекистонда меҳнат қонунларига биноан ишга қабул қилишни қайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди. Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ҳодимнинг талаби билан иш бевуручи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб ун қун муда-дада ишга ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Қонунларга биноан ишга қирмоқиш ҳуқуқига фуқаро унинг аризаси рад этилишига сабаб бўлган асослар билан танишиш қиқшига ҳақлидир ва ҳоқозо.

Конституциянинг мазкур моддаси инсон ҳуқуқларининг қафолатланишини ва демократик тамойилларни ўрнатувчи бошқа моддалари билан ҳам қамбарчас боғлиқ. Масалан, Конституцияда белгиланишча, «Давлат қалқ ирода-сини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамяият ва фуқаролар олдиди масъулдилар» (2-модда); «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожлани-ниш учун шароит яратяди» (4-модда); «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, олий, қад-қиммати ва бошқа ҳақсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан қимос қилинади» (13-модда); «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамяият фаровонли-гини қўзлаб, ижтимоий ва қонунийлик принциплари асо-сида амалга оширади» (14-модда); «Ўзбекистон Респуб-ликасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинлик-ларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, иж-тимоий келиб қиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мав-қеидан қатъий назар, қонун олдиди тенгдирлар» (18-мод-да) ва ҳоқозо. Конституция ҳар бир фуқарога уларнинг ҳаётига, соғлиғига, шахсий эркинлигига, шаънига, қад-қиммати ва мол-мулкига ҳар хил таъовузалардан суд қимосини қафолатлайди.

Ўзбекистонда барча турқумдаги ва поғонадаги судлар-да ишлар (жиноят, фуқаролик ва маъмурий ишлар) қўриб қиқлаётганда фуқаролар ўзлари тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунларга мувофиқ барча судларда ишларни қўриш очик тарзда ўтказилади. Судларда ишнинг ёпиқ тарзда қўрилишига фақат қонун билан белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Судда иштирок этаётган тарафларнинг барчаси, агар қандайдир ҳужжатларни тузишда қатнашган бўлсалар, улар билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодек-сининг 18-моддасига асосан барча давлат органлари, ман-сабдор шахслар, агар улар жиноят иши бўйича иш юрги-зиш учун масъул бўлсалар, жараён қатнашчиларига те-гишли ҳужжатлар билан танишиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

Фуқаролар ҳужжатлар билан танишиш қиқш ҳуқуқлари бошқа қонунларда, масалан, фуқаролик, ҳўжалик, меҳнат қонунлиқларида ҳам мустаҳкамланган.

Агар фуқаронинг юқоридаги ҳуқуқлари поймол этилаёт-ган бўлса, ҳар бир фуқаро арз қилиш ва бузилган ҳуқуқи тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Рес-публикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқа-роларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан, аризалар ва шикоятлар давлат органига, жамоат бир-лашмасига, қорхона, муассаса ва ташкилотга тушган қун-дан эътиборан бир ойгача муддат ичида ҳал этилади, улар масалани мохиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрга-нишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 қундан қечиктирмай ҳал этишлари шарт. Фақат баъзи ҳоллардагина, масалан, махсус текширувлар ўт-казиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа қо-ра-тадбирлар қўриш зарур бўлса, юқоридаги муддат узайтирилиши мумкин.

Юқоридагилар билан бирга 1995 йил 30 августда қа-бул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар-нинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳара-катлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғри-сида»ги Қонуннинг 1-моддасига асосан ҳар бир фуқаро давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилот-лар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг қайри-қонуний ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқла-ри ёки эркинликларини бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят келиб тушган суд эса уни ўрнатишдан муддатда атрофлича ва ҳар тарафлама ўрганиб, текшириб ҳал этишга ва адолат-ли қарор чиқаришга мажбур.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг қўйидаги сўзларини ҳулоса ўрнида эслол айтиш мудабо бўлур эди: «Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини қимос қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондани ҳамма тан олиши, бу қондага ҳамма итоат этиши шарт».

Ҳайдарали МУХАМЕДОВ.

Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.

Хозирги даврда, яъни XXI аср бў-сағасида Ер қуррасида инсоният ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳар-бий муаммолар билан бир қаторда экологик ҳавфни ҳам ўз бошидан кечирмоқда.

Сайёраимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик мувозанатнинг бузилиши дунёнинг турли нукталарида қўтилишганда ҳавфли табиий офатларни келтириб чиқар-моқда. Америка Қўшма Штатлари, Англия, Германия, Хитой, Россия каби бир қатор мамлакатларда бўлаётган тўфонлар, қучли сув тошқинлари, ўрмонларнинг ёниши қа-билар учраб турибди.

Биринчи қақирик Олий Мақлисининг 13-сессиясида, яъни 1998 йил 25 декабрда «Ўрмон тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бунга ёркин мисол бўла олади. Ўрмон қалқ ҳўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, табиат инъом қилган, инсонларга эстетик завқ берувчи ҳудудлиги билан қатта аҳамиятга эгадир. Шу билан бир қаторда жойларда, ҳусусан шаҳарларда асоссиз ёки қурилиш иншоот-ларини қўриш даврида дов-дарахтларни ке-сиб ташлашга йўл қўйиб бўлмайди. Тошк-ент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўми-таси юқоридаги ҳолатлардан келиб қиққан

ҳолда ўз ишини ташкил этиб шаҳар ҳудудида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда самарали фаолият қўрсатиб келмоқда. Айниқса, жойлар-да атроф-муҳитни ҳар томонлама қимос қи-лиш, тозалаш ободонлаштиришни йўлга қўйиш билан қўпроқ дов-дарахтлар, гуллар экиб гул-зорлаштиришга эътиборни қучайтиришмоқда. Аҳолида ҳар томонлама табиий ресурслар-дан оқилона фойдаланиш ва уни асраш ту-шунчаларини шакллантириб боришмоқда.

ла билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари тозалаш, ободонлаштириш ва қў-қалмазорлаштиришни ташкил этиш соҳасида Акмал Иқромов, Сергели, Шайхонтоҳур, Юн-субод ва бошқа туманлардаги 180 та маҳал-ла оқсоқоллари, бир қатор қорхона, муасс-са вакиллари билан йиғилишлар, учрашу-лар ўтказилиб, қо-ра-тадбирлар белгилаб олинид ва уни амалга ошириш таъминланди. Ҳавоний ифосланишдан сақлаш мақсади-

Мувозанат

ПУХТА РЕЖАЛАНГАН ТАДБИРЛАР

Мавжуд завод, фабрикалар, ишлаб чиқариш қорхоналари, транспорт воситаларининг ат-роф-муҳитни меъёрдан ошиска ифосланти-ришининг олдини олиш чоралари қўришмоқда. Шунингдек, табиати муҳофаза қилиш ва ат-роф-муҳитни қимослаш тўғрисидаги қонунла-ри бажарилиши экологик давлат нозирлиги томонидан назорат қилиб борилади.

1998 йилда мактабга тарбия муассаса-лари мактабларда икки марта «Экологик-98» байрам қўриқ-танловлари, бир қатор учра-шулар, қўргазмалар ташкил этилди. Шаҳар-даги барча туманлар, улардаги 474 та маҳал-

ла шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ДАН экологик бўлими билан ҳамқорликда 2 марта «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилди. Дав-лат тасарруфида 47.000, шахсларда 115.000, автотранспортда жами 162.000 автотранс-порт воситалари пойтахтимизда ҳаракат қи-лади. Шу тадбир давомида 208 автотранспорт қорхонаси текширилиб 56734 та автомобил текширувдан ўтказилди. 7273 та экологик но-соз автотранспорт аниқланиб 243 минг сўм жарима солинид. 20 та мансабдор шахс ўс-тидан юқори маҳамаларга тақдимномалар ки-ритилди. Шаҳардаги барча қорхона-муасс-

салар экологик назоратга олиниб, 1589 та текшириш иши ўтказилди. 530 кишига та-биати муҳофаза қилишдаги қамқилишлар учун далолатнома тўғлазилди, 734387 сўм жарима солинид.

Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ўз ваколати доирасида текширишлар, назорат қилиш, жарима солиш билан чегараланмас-дан кенг қўламда аҳборот воситалари бил-лан тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришмоқда. 1998 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар, бажаришлар ишлар юзасидан 13 марта тел-диқорасаттувлар ташкил этилди. 19 марта ра-диосиёштирашлар қиқилишлари, газета ва рўзномаларда 78 та мақолалар чоп этилиб, 11 марта қўриқ-танловлар, учрашулар эқо-шоу каби тадбирлар ўтказилиб борилади.

Юқоридагидан қўрииб турибдики, ат-роф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳукумати-миз эътибори ўз аксини топмоқда. Мамла-катимизда, ҳусусан шаҳримизда табиати муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақ-лашда қундан-қунга эътибор қучайтирила-ди ва аҳолининг масъулияти оширилиб бо-рилиши йўлга қўйилди.

Эрмўин ЧўПОНОВ.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси илмий техникавий тараққиёт ва экологик тарғибот бўлими бошлиғи.

Озодалик

АЛОХИДА ҚУТИПАРГА

Яққасарой тум-нидаги Юнус Ража-бий қўчасида ҳудуд-ий санитар тозалаш-нинг саклаш мақсади-да бир талай ибрат-ли ишлар амалга оширилмоқда. Шу-лардан бири хона-донлардан қиқётган турли хил қиқинди-ларни алоҳида-ало-ҳида ҳолда ташла-навтиганидир.

Бу ердаги ишлар ҳу-дудни санитар тозалаш бўйича ағона бюрот-мачи дирекцияси томонидан назорат остига олиниган бўлиб, унда хизматчилар жадал бўйича навобатчи-лик қиқилишди. Ҳар бир навобатчи ҳудудга хона-донлар томонидан олиб келинган, қиқиндиларни хил-хиллига қараб, яъни қорғоз қиқиндиларни ало-ҳида, шиша синиқиларни алоҳида, нон, озиқ-овқат махсусотларидан қиққан қиқитлар алоҳида, умуман олганда, қиқиндиларга қўйилган махсус ўн икки-та қутига қиқиндилар са-раланиб ташланади. Чи-қиндилар ташланган идишлар ҳар ўч, тўрт қун-да буштирилиб турилади. Ишнинг шу ўйсида ташкил этилганлиги на-факат экологик соф ва-зиятни юзага келтиришда муҳим аҳамият қасб эт-моқда. Балки, қўп қават-ли йўлларда яшовчи, қўп миллатли аҳолига ҳам қу-лайлик яратмоқда.

— Ҳудудни санитар то-залаш бўйича ағона бю-ротмачи дирекцияси томо-нидан қиқиндиларни тури-га қараб алоҳида идиш-ларга ташланишини назо-рат қилинаётганлиги бар-чамизга маъқул бўлди, — деди 66/3-ўй, 8-хонадон-да истикомат қилувчи Шайхонтоҳур Аҳмадзо-ров. — Негаки, ишнинг шу ўйси-да ташкил этилиши билан ёз фаслидаги бу ердан тараладиган турли қўла-са хиддан, ортиқча ис-рофгарчиликдан қутулди.

Дарҳақиқат, қиқинди-ларнинг ўз вақтида, тури-га қараб олиб кетилиши турли юқумли хасталик-ларнинг қамқийишда му-ҳим омил бўлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.



№ 1 (85) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Бугунги қунда атроф-муҳит озодаллиги борасидаги муаммо кескин бўлиб тургани барчага маълум. Бу — саноат, қурилиш ва мансий турмуш қиқиндилари-нинг тоғ бўлиб юқлиб ётиши. Бу — ҳавога ва сувга ҳар йили чиқариб ташланаётган ўн мил-лионлаб захарли моддалар, бу — ўлиб бораётган ўн минг гек-тарлаб ҳосилдор ерлар, ўсим-лик ва ҳайвонот дунёсида рўй бераётган қайта тикланмайдиган йўқотишлар, сув ресурслари муаммоларининг қучайиши. Ниҳоят, бу — экологик фалокат-ли ҳудудлардир.

Табиатнинг ночорлашиб бориши қиқинчиларнинг саломатлиги ва қайфия-тида қўришмоқда, уларни атроф-му-ҳит билан табиий муносабатларидан маҳрум этаётди. Инсон саломатлиги-га ижобий таъсир этадиган нарсас ўсимликлардир. Улар ҳавоний углевод оксиди, олтингурут газ, азот окси-ди, олтингурутли углевод, фор-малдегид қабиладан тозалайди. Бу ҳам бўлса дархаллар ҳаво ҳарорати-ни маълум даражада пасайтиргани, шаҳардаги шовқин даражаси ҳавода-ги қантининг қанчадир қисмини ютиб юборгандаги ҳолат.

Биз эса ўзимизнинг ана шу қимос-чиларимиз, дўстларимизни етарли да-ражада асраб-авайламаймиз. Эътибор қилинг: шаҳримизда қанчадан-қанча дархаллар, буталар кесиб юборилла-пти. Буларнинг барчасини ўз қўлимиз билан, ўз хоҳишимизга қўра қиқла-тимиз. Тўғри, уларнинг айриллари ша-роит тақозосига қўра қесиллапти, бу-лар жуда қатта ёки авария ҳолатида-да қарахаллар ва ҳоқозо. Бир қисми эса шаҳарни ободонлаштириш, гўзал-лаштириш мақсадларида қилишмоқда. Бир назар ташлангчи, бугунги қун-

да шаҳримизда янги барпо этилаётган бинолар, қанчадан-қанча қўз олдимиз-да ўзига хос иншоотлар қад ростла-моқда, истироҳат боғлари, хиёбонлар кенгаймоқда, гўзаллашмоқда, қўчалар қайта таъмирланмоқда, қўприқлар, йўл-калар, эстакадалар қуриллаётди. Лекин иш биттач, янгитдан ёш қўчалар эқиш-га қиқирилади. Бу борада шаҳар хо-қимлиги, ободонлаштириш бош бо-шқармаси, қуриллаётган иншоотларнинг

Муносабат

ЯШИП ДЎСТЛАРИМИЗ ЁРДАМ СЎРАМОҚДА

бу бошқарма қошидаги дирекцияси салмоқли ишлар қилмоқда. Лекин...

Қўп ҳолларда иншоотларни яшил ҳу-дудларда қуриш режалаштирилади. Бунда жойининг экологик ҳолати, айниқ-са экологик тадиқот натижалари ҳи-собга олинайди. Ҳоқимлик, архитек-тура режалаштириш бош бошқармаси лойиҳалаш ташкилотлари вакиллари бу борада биз билан ҳамқирлар. Лекин экинзор учун бир қўлч тупроқ дея, шахсий манфаатлари йўлида қандайдир дўқонча ёки цех дея минг йиллик да-рахтлар, баъзан Ватанимиз Қизил ки-тобига кирган ўсимликлар илдиизга болта уриш ҳоллари қузалтишмоқда.

Бозорларимизда аҳвол қандай? Та-қиланганга қарамай ўй шароитида тайёрланган қўзиқоринлар савдода етарли. Балки ҳақида алоҳида тўхтала-миз. Қонун бўйича уни тутиш ва сотиш

билан бу ишга ҳўжжати бўлган юридик шахслар шўғулланишлари керак. Амал-да эса бозор қонун-қониди ҳисобга ол-майдиган олибсотарлар билан тўла. Уларнинг бозордаги шароитлари сани-тария талабларига жавоб бермайди ҳам. Энг ажабланирлиси, Чилонзор тумани хо-қимлиги бундай фаолиятга руҳсатнома бермоқда. Сув, ҳаво, ўрмон ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш борасидаги республикамизда қиққан ва тўлдирилган қонунлар масъулиятни ҳис этмайдиган ана шундай раҳбарлар, жисмоний шахс-ларга қаратилган.

Қонуннинг мохияти шундаки, у нафа-қат ўзига қарашли ишни тўхтатади, бал-ки қонунбузарларни ноқулай аҳволга со-либ қўяди. Бу — жарималар, давволар, бу — қорхона ёки унинг бўлими ишини тўхтатиш ёки ёпиб қўйишдир. Лекин, шу-ни таъкидлаш жоизки, 1994-96 йиллари қабул қилинган, ҳозирда ҳам қўллани-лаётган бу борадаги ҳўжжатлар назари-мизда жуда бўш ва бунда жазо чорала-рини қўришни кескинлаштириш керак.

Масалан, жисмоний шахс ўз фойда-сини қўзлаб 10-12 ёшли тарақни кесиб ташлади. Унга жазо сифатида энг қам иш ҳақининг 1,1 миқдориди, яъни 1442 сўм жарима тўлаш юқлатилади, агар да-рахт 20 йиллик бўлса бу миқдор икки баробар ошиб 3144 сўмга қиқади. Гап шундаки, бунга пул хатто дарахтни ўсти-ришга кетган харажатларни ҳам қўлла-майди. Бу ҳам бўлса 1 кубометр ёғоч 20 минг сўм тургандаги аҳвол. Шундай жа-рималар билан жиноятчи ишга чеқ қўйиш мумкинми. Ўйлаймизки, яшил дў-стларимизни кесиб, ҳайвонот дунёсини фойдаланишга оид мавжуд ҳўжжатларда қўрсатилган нархларни қўриб қиқиш, уларни хозирги нархлар даражасига ке-лтириш пайти етди. Балки бу иш болта қўтарган қўлни тўхтатиб қолар.

Наримон АСАДОВ.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш гуруҳи раҳбари.

Сўраган эдингиз...

АТИРГУЛ ҲАҚИДА

Мен атиргўлни жуда ях-ши қўраман. Ишдан қарчаб, ҳориган вақтларимда ана шу атиргўлларга қараб ором оламан. Бу гулнинг 11 тур-ти биланам. Иссиқонамиз-да беш хили ўсади. Унинг яна неча тури бор экан. Шу ҳақда билишни истар эдим.

Баёнгул УСМОНОВА, ўй бекаси.

Дунё бўйича атиргўлларни-нг 20 минг тури мавжуд. Улар-нинг барчасидан турли хилда-ги буюк ферментлари олиниб, атир-упа ишлаб чиқарувчи та-дбиркорлар кенг фойдаланиш-га олиб келади. Шу тў-ғрйли цех бошлиғи М. Потешкинга 3300 сўм жа-рима солинид.

Собир Раҳимов тум-нида эса «Саммит ЛТД» ишлаб чиқариш-тиқорати фирмасининг директори В. Митрофанов 1100 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Акмал Иқромов тум-нининг саноат ҳудудида жойлашган 18-автотус парки директорининг ўринбосари Р. Ҳақимов-га 3300 сўм жарима со-линид.

Бундай салбий ҳолат-лар шаҳримиздаги қор-хоналарда оз бўлса-да учраб турибди. Агар ана шу жойда одамларнинг табиат муҳофазасига нисбатан ҳўшёрлиги йў-қолса, бу ҳавф бошқа қорхоналарга ҳам тарқа-лиши мумкин. Шундай экан, бу муаммага қара-тилган чораларда муро-созликка бормаслиги-миз керак.

Расул МЎМИНОВ.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.

Саҳифани Абдумалик АБДУРАХМОНОВ тайёрлади.



Атроф қорға бурканганда шаҳримиз қўчалари ҳақийқ сайр масканига айланади.

Рустам Шаринов олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси-нинг «Табиати муҳофаза қи-лиш тўғрисида»ги Қонунига биноан таъмирланиши, техника жиҳатдан қайта жиҳозланиши, янгидан қурилиши лозим бўл-ган иншоотлар экологик тек-ширувдан ижобий ҳулосага эга бўлиши керак.

Бунда иш бошланишидан аввал экологик текширувга атроф-муҳитга таъсир қўрсатиш ҳақидида ариза лойиҳаси тақдим этилиши зарур. Шундангина мўлжалланаётган иш тў-ла таҳлил этилади. Бундай ишлар чет элларда ҳам ўтказилади.

«Тошпрогор» ташкилоти эски ҳайвонот боғи ҳудудида истироҳат масканини барпо қилишда ана шу

ЭСКИ ҲАЙВОНОТ БОҒИ ЎРНИДА

талабларни ҳисобга олмайди. Бу жой бир неча йиллар давомида ҳайвонлар-нинг ҳаёт кечирлиши ва атроф-муҳит-нинг дезинфекция қилиниши оқиб-атида биологик ифосланишини боши-дан кечирган эди. Тошкент шаҳар хо-қимлигида бўлиб ўтган Архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси қоши-даги шаҳарсозлик-архитекторлик ке-нгашида мазкур таъмирлаш ишлари юқоридаги лойиҳасиз ва шаҳар Сани-тария-эпидемиология бош бошқарма-си билан келишилмаган ҳолда бош-лангани маълум бўлди. Бунда муҳо-мага бўлажак истироҳат маскани ма-

кети қўйилган эди.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бундан хабар топган, дарҳол Тошкент шаҳар ҳоқимлиги ва «Тошгип-тор» ташкилотига мактуб йўллди. Шундан сўнггина «Қизилтепагеология» давлат экспедицияси шартномага асо-сан мазкур ҳудудда рекогносцировка текширувини ва қимёвий-микробиоло-гик таҳлил ўтказиш бўйича иш бошла-ди. Тупроқ қатлами ва сув, шунинг-дек, Салор ариғи сувини текшириш уларда оғир металллар, феноллар мав-жудлигини, майда ўсимлик дунёсида ўзгариш борлигини қўрсатди.

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари



САВОЛ. Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган раван йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?

ЖАВОБ: Менимча, етти-саккиз йиллик тажрибалар асосида тугал хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки биз яшаб ўтаётган давр ҳақида, миллатимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуктаси бўлган истиқлол йиллари ҳақида мукаммал хулосаларни тарих ва келгуси авлодларга чиқаришга ҳақлиқ. Лекин бугунги ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни эйор эйтиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ёдингизда бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айрим давлатлар эски тизимдан воз кечиб, бирданига демократия курамиз, бирпасда ривожланган мамлакатлар даражасига эришамиз, деб хомхаёл қил-

ган эди. Бугун, орадан етти йил ўтиб, уларнинг қуруқ гап эканини, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади.

Шу каби ҳаёт сабоқларини ўйлаб, бошимиздан кечган воқеаларни таҳлил қилиб, ақл тарозисидан ўтказиб, шундай тўхтамга келаманки, **Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак** экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янгиша шаклда рўй беради. Шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул замоналари бўлган. Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган. Бунга Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққиёт топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шир давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу гоё одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимда меҳнат қилган тажрибадан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, **адолат биз кураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор**.

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, боринки, оила мисолида ҳам омадимиз, фойз-бараканининг гарови ва шарт бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.

Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга — фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган оқойишталликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

1

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, биз тараққиётимизнинг, миллатимиз тарихининг ҳозирги босқичида, маълум маънода ана шу даврларни янгиша шартда қайта бошдан кечирялмиш. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйялмиш. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этуви, сақлаб турмуш омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламасдан иш тутуш ярамайди. Одамларга яхши кўринаман, деб «чиройли» широрлар билан жамоатни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳоли қандайлигини кўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоғи эмасми?

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган муҳим ва мустақил турмушнинг бутун асосларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асосларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни тақрорламаслик — ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш низолатда қийин ва машаққатли жараён.

Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, **энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди**.

Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, **миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдишларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга**. Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, енгил ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан — миллатлараро низолардан, биродарқушлик қирғинларидан худонинг ўзи асрасин.

Шуқри, биз халқимизнинг азму шижоатиға, бунёдкорлик кучига таянган ҳолда, ўтиш даврига хос қийинчиликларни енга бориб, ўз йўлимизни аниқ белгилаб олдик ва шу йўлда озми-кўпми ютуқларга эришдик. Албатта, ютуқлар ҳақида гуруралиб гапириш, қўллаб-мисолларни келтириш мумкин, аммо сохта обрў орттириш йўлида кўкракка мушт уриб оламга жар солиш бизнинг табиатимизга ётдир.

Шу ўринда эътиборингизни, айниқса оммавий ахборот воситалари ходимларининг диққатини бир нар-

сага жалб этмоқчи эдим.

Юртимизда амалга оширилган катта ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига мамлакатимиз раҳбарияти бошқоқ бўлиши табиий ҳол. Лекин бу жараёнларда кўпчиликнинг иштироки, қолаверса, ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Бу ишлар бутун халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати тўғрисида амалга оладиган. Президентнинг вазифаси эса жамиятни олий мақсадлар, ёруғ келажакка интилиш йўлига қорлаш, бирлаштириш, жи-пслаштиришдан иборат экан, бу иш менинг зиммамга тушибди. Мен нима иш қилган бўлсам, худо берган қобилиятига яраша, халқимизга сунган ҳолда қилдим. Яратганга шукроналар бўлсинки, халқ менга ишонди.

Ана шу ишонч одамни эзгу йўлга бошлади, қанот беради, керак бўлса, мислсиз куч-ғайрат бағишлайди. Азалдан қолган нақл борки, давлат бошлиғи ҳам ўз халқининг феъли-атвориға яраша бўлар экан.

Мен бир гапни кўп айтганман. Яна тақрорлайман: бизнинг юртимизда Оллоҳнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа биров чиқарди.

Ҳар қандай таназзулдан, таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда, одамларнинг мададиға таянибгина чиқиш мумкин.

Халқга сунямаган раҳбар ҳеч замонда бирон натижага эриша олмаган. Ахир, ҳар бир фуқароннинг жамиятда ўз ўрни, ўз бурчи ва масъулияти бор. Лекин уларни улуг ва олижаноб мақсадлар йўлида руҳий, маънавий жиҳатдан бирлаштирадиган йўлбошчининг майдонга чиқиши тарихий тараққиёт тақозосидир.

САВОЛ. Хурматли Ислам Абдуганиевич, кейинги вақтларда мустақиллик мафқураси, миллий гоё ҳақида жамиятимизда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жамоатчилигимизга яхши маълумки, Сиз одамларнинг тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгаририш, уларнинг қалбига ана шу улуг гоёларни сингдириш борасида доимо жон қуйдириб келасиз. Ижозатингиз билан энди миллий гоё, миллий гурур, маънавият масалалари ҳақида тўхталасан...

ЖАВОБ. Миллий гоё ҳақида жуда кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий гоё халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Бу ҳақида асосий фикрларимни «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларимда ҳам билдирган эдим.

Шу нарсга эътиборга сазоворки, кейинги вақтда «миллий гоё» деган тушунча ҳаётимизга чўқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини топпоқда.

2

Бу албатта мустақилликнинг — мустақил тафаккурнинг маҳсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юритиш қийин эди. Ҳамма нарсга коммунистлик мафқура қолипи билан ўлчанган у замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъий назар, ичидаги ғам-ташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда — оддий зиёлими, етук олимми ёки таниқли арбобми — барибир, айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-кекмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақлли одамлар қирғин-қатагонлар тўғрисида кўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қон-қонига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига низолатда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифода қилди.

Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топпоқчи бўлсак, бу аввало **одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани** билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлиқ дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқарашини ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичида — кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда.

Бу муҳим, гоё долзарб масала бўйича бизнинг ёндашувимиз шундай: **биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиш, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз**.

Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан қарор этадиган мафқура — миллий гоёни шакллантиришнинг асосий шарти — одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий гоё, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда бахсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очик-ойдин гапирини, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради.

Биз йиғирма биринчи аср бўёғасида яшаётимиз. Оллоҳ насиб этса, ҳадемай йиғирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Ҳўш, янги асрга биз қандай онг,

қандай мафқура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий гоё билан кириб борамиз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Қундан-қунга ўзгариб, гоёт мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафқуравий фаолият мақсадлари — концепциями борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кучлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олға қараб ҳаракат қилолмаймиш. Бир жойда депсиниб тур-раверамиш. Чунки ҳеч қачон кишилик жамиятида гоёвий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бе-гона турли хил мафқуравий таъйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Бундай ҳафони ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз — бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Ҳўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичидан ва четдан таъсир ўтказиши мумкин бўлган қандай мафқуравий кучлар бор?

Бу кучларнинг гоёлари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак? Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий гоёмиз қандай бўлмоғи лозим?

Уни қундалиқ ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида тадбиқ этишнинг йўли ва усуллари нималардан иборат?

Шу муносабат билан бизга хавф солиши мумкин бўлган айрим мафқуравий таҳдидларга ватандошларимиз диққатини қаратмоқчиман.

Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган му-сулмон халфалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафқуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафқуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга қиритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамла-катлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўл-

3

маслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халфалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай кучлар орасида «Ҳеэби тахрири исломия» ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширишча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига олинтиришга, турли йўللар билан уларнинг миясини захарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўлмаймиш ва қўймаймиш ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиш, ҳурмат қиламиш, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиш. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлоқ қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири — бу Оллоҳни танишдир. Лекин инсоннинг мана шу буюк фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини қалғитиб, ўз ғаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўлаш—дунёда бундан ҳам кўра ғуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин.

Мафқуравий таҳдид ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз керак. Ҳозирги вақтда Россия-Белорус иттифоқи атрофида ўзр бериб шов-шув қилинмоқда. Маълум сиёсий кучлар бу иттифокнинг «жозибаси»ни тарғибу ташвиқ қилиб, унга МДХ ҳудудидаги бошқа мамлакатлар халқларини ҳам маҳлиё қилишга интиломоқда. Албатта, озодлик нашъасини тотиб кўрган, эркин нафас олаётган ҳар бир ақли расо одам бунинг тағида нима ётганини яхши билади. Аммо бу кучлар бугунги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, мафқуравий таъсир воситалари ёрдамида сиёсатдан узоқ, содда кишиларнинг бош-қўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган совет гоёларини ҳаётимизга қайтадан тикиштирмоқчи, шу йўл билан бўйнимизга ана ўша эски бўйинтуруқни ил-моқчи. Ишончим комилки, эрксевар ва ўз қадр-қиммати яхши англаб олган халқимиз бунга асло рози бўлмайди. Бинобарин, жамиятимиздаги барча соғлом кучлар бундай хатарларга қарши курашга ҳаммаша тайёр туриб, кенг жамоатчилик ўртасида мафқуравий ишларни авж олдириши керак.

Мафқура соҳасида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган **яна бир хавф** — бу ўзбек миллатининг

тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий широрлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзи-да намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмаш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш.

Биз бундай қарашлар билан сира келишолмаймиш. Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетак-рордир. Биз жаҳон майдонида қуни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиш. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўнча Хоразм заминидан «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тар-қаган эмас, балки, Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, биз қадим тарихий илдишларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз муш-торак бўлганини эътироф этамиш, улар билан ҳар то-монлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин **биз ўзимизни ҳаммаша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб-қелганимиз ва бу билан фахрланамиз**. Бунга тарихий, илмий, мада-ний асосларимиз бор. Бутун дунё ҳамжамияти бизни-нг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади.

Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак. Миллий гоё ҳақида гапирганимиз-да ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.

Ўйлайманки, бу соҳада энг устувор вазифамиз — халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафқурамизга куч-қувват бера-диган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этади-ган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига та-рафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

Шу ўринда мустақиллик ва истиқлол йўлида бирин-чи қадам қўётган даврда ягона оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимизнинг долзарб широриға айлан-ган сўзларни эслатмоқчиман. «Шу азият Ватан барча-мизники, унинг фаровон келажиги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтир».

(Давоми 4-бетда).

4

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

(Боши 3-бетда).

Ишончим комилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликка чорлаётган бундай шиор миллий ғоямиз ва тафаккуримизнинг асосий мезонига айланиб қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орзуларимизни рўйбга чиқарадиган асос бўлиб хизмат қилар эди.

Гап миллий ғоя ҳақида борар экан, ўз-ўзидан **уни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш** масаласи келиб чиқади. Айтиш керакки, бу осонгина бўладиган иш эмас, балки жуда чуқур илмий-сиёсий, назарий-амалий ёндошуви талаб қиладиган машаққатли жараёндир.

Бугунги вазирамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пешқадам вакиллари мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади.

САВОЛ. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида маънавий ҳаётимизнинг асосий йўналиш ва тамойиллари шаклланди. Бунда Сизнинг назарий қарашларингиз, миллий қадриятларини, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятингиз асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан янги асрда маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нимадан иборат бўлиши лозимлиги ҳусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.

ЖАВОБ. Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. **Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалб-сан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан.**

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бизнинг, айтайлик, 1991 йилдаги маънавий савиямиз билан ҳалқимизнинг ҳозирги руҳий ҳолати ўртасидаги фарқни қиёслаб қўриш қийин, деб ўйлайман. Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий ҳук-таи назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуктаи назардан ёндошганда, ҳаётдаги, жамият онгидagi ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнгилмиздан ўтадиган «Кеча қим эдигу бугун қим бўлди?» деган савол билан белгилаш мумкин эмасми?

Бевосита сизнинг саволингизга келадиган бўлсак,

унга жавоб бериш, маънавиятимизнинг келгуси асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, айтиб ўтганимдек, аввало жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вазифасидир.

Шахсан менинг бу борадаги қарашларим қуйидагича: модомки биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуриимиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни **эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.**

Биз шу пайтгача маънавият борасидаги ишларимизни одамларнинг тафаккурини эски тузум сарқитларидан халос этишга, ватандошларимиз қалбига миллий мустақиллик ғояларини сингдиришга қаратдик. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришдик. Лекин бу орттирган тажрибамиз эркин демократик жамият куриш йўлидаги илк қадамлардир. Чунки биз кўп йиллар давомида шаклан озо, мохиятан эса қуллик ҳолатида яшаб келган эдик. Афсуски, узок давом этган бу зулмининг асоратлари ҳали-ҳануз тўла барҳам топгани йўқ. Айниқса, бу илат бизнинг онгу тафаккуримизда чуқур ўрнашган бўлиб, ундан фориғ бўлиш осон кечмапти.

Ҳуқуқий жаҳолат, ҳуқуқий саводсизлик, маъмурий-ҳуқуқий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишимизда рўй берган қатағонларнинг мудҳиш таъсири кўрқинчли туш каби ҳамон хотирамиздан ўчмай келади.

Шу боис энди олдимизда нихоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, **озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай қўрилишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айнаи замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда қўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир.** Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараш мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятнинг умидбахш куртаклари кўргандек бўлман. Ва уларнинг келажакига катта ишонч ва заъв билан қарайман.

Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўпдан-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жа-

яъниким, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонини фашизм балосидан ҳимоя қилган. Бу ҳақиқатни мен такрор-такрор айтганман ва у халқимиз томонидан эътироф этилган. Уйлайманки, бу масалада сиз айтган хавотирга ўрин йўқ.

Аслини олганда, маънавият ва тарихий хотира тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Марҳумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш — савоб иш. Шунинг учун ҳам биз кенг жамоатчилиқнинг қўллаб-қувватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.

Бўлғуси Хотира майдонига қадам босадиган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар кечади — билмайман, лекин шу нарсага ишончим комилки, бу ерга келадиган ҳар бир инсон, ёшу қари ватандошимиз Ичкинчи жаҳон уруши ва кейинги урушларда юртимиздан иштирок этиб қурбон бўлганларнинг қадр-қиммати ҳақида беихтиёр уйга толади, уларни ёдга олади, хотираси олдида бош эгади, орамизда ҳали ҳаёт юрган собиқ жангчиларни кўпроқ иззат-икром қиладиган бўлади. **Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади.** Бу муқаддас қадамжо фақат урушда шахид кетганларнигина эмас, балки халқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонини тиккан Қодирий, Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллатимиз фидойиларининг хотираси учун ҳам тикланган обида бўлади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб тиловат қилиш, уларнинг хотирасини, арвоқларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир. Уйлайманки, Хотира майдонига қадам қўйган, уни зиёрат қилган ҳар бир инсон ҳаёлида айнаи шу олижаноб одатимиз жонланади. Ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, фақат ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илоҳий ва муқаддас ҳолат унинг бутун вужудини қамраб олади. Хотира майдони чинакам муқаддас қадамжого айланиб қолишига ишонаман.

Энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қиладди. Чунки қаттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида, бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқ-сил» деб гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солган, бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уругини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор.

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз,

балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Майли, эҳтимол уларнинг орасида адашганлари, ўз халқининг миллий манфаатларига қарши борганлари ҳам бўлгандир. Балки ўша одамлар бугун қилмишига пушаймондир, руҳий азоб тортаётгандир. Бу ҳақда ўйлаш, жавоб бериш — аввало уларнинг ўз виждонига ҳавола. **Қолаверса, дунёда Оллоҳ ҳукми борлигини, у ҳамиша барқарор эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим.**

Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, ҳозирги мураккаб, қалтис паллада эски гина-қудуратларни кўзгаб, тарфма-тарф пароканда бўлиб кетиш халқимиз учун асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. **Миллий ғоя миллатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак.** Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган ғоя бузғунчи ғоядир.

Биз ўтмишимизнинг мана шундай аянчли, фожиали саҳифаларини чуқур таҳлил қилиб, ҳаққоний ҳулоса ва сабоқлар чиқаришимиз керак. Миллий гуруҳ тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасидар ҳар қуни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни оздолгимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёсат олиб бордик. Одамларни «сен — коммунист», «сен — диндор» деб гуруҳларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадриҳий, эволюцион сиёсат натижаси, унинг мантқий давоми ва ривожидир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишимизга баҳо берганда, ўша давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша даврнинг «улкан арбоблари»га ва «моҳир ташкилотчилари»га нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очик акс эттириш керак, деб ўйлайман.

Бу нарса ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўқ олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан авваламбор ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қиладди.

Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, жамиятнинг доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч — миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илгор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, бориини асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш — маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим.

Амир Темури бобоимизнинг таъбири билан айтганда, халқимиз, миллатимизнинг дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

мият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга тадбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.

Бугун жамиятимиз олдида турган бу улғувор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш энг аввало таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур.

Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликлари, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликлари, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликлари бир эслайлик. Наҳотки бугун юртимизда ана шундай саховат булоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, саҳий инсонлар дёғиримизда қўллаб топилди. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир тўқиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб қурса бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чироғимизни ёқадиган, шу Ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт.

Маънавият соҳасида янги асрга мўлжалланган асосий йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак: бу мақсад ва ғоялар халқ онгига сингадими, жамоатчилик уларни қўллаб-қувватлайдими ёки йўқми — ҳамма гап мана шунда. Бу фикрлар фақатгина ғоя ҳолида қоғозда қолиб кетмаслиги, қуруқ гап, қуруқ шиор бўлиб қолмаслиги лозим. Уларни амалга ошириш учун бизга жонқуяр, бева-бечорага ачинадиган, ўз ризқини муҳтож кимса билан баҳам қўришга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳамisha тайёр, мард, фидокор инсонлар керак.

Бундай хусусиятлар эса, ота-боболаримиз тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шариоитида шаклланади. Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба-аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам учрайди. Шу-

нинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бекиёс макон — бу маҳалладир.

Узоққа бормай, кундалик ҳаётимизга назар ташлайлик. Кўпқаватли уйларда турувчиларнинг аксарияти одатда темир эшиклар ортида яшайди. Эшикка қулф устига қулф уришларини айтмайсизми! Бундай жойларда кўни-кўшничилик, яхши кунда шерик, ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ўзига яраша. Оддий йўлакни супуриб-сидириш ҳам сансалорликка олиб келади.

Маҳалла эса бутунлай бошқа бир олам. Маҳаллада эшигига тўртталаб қулф осиб олган кишига одамлар қандай қарайди? Бундай кимса ўз-ўзидан жамоатдан ажраб қолмайдими? Ёки кўча эшигининг олди супурилмаган уйга совчи қадам босадими? Демокриманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айна маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, кўни-кўшничиларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг сахардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъий назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, кўпчилик ичида яшаш инсондан нафсини тийишни, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади. **Аслида инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишга интиломоқ керак. Чунки, ҳамма қулфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади.** Уни енгилга инсоннинг кучи, иродаси етадими? Бу саволга ҳам жавобни биз маънавиятдан излашимиз керак.

САВОЛ. Сиз бундан уч йил муқаддам 9 май — Ғалаба байрамини Хотира кунини сифатида нишонлаш ташаббуси билан чиққан эдингиз. Сизнинг таклифингиз билан бу кун бундан буён Хотира ва қадрлаш кунини деб аталадиган бўлди. Бу ҳаракат жамиятимизни фикрий бўлинишга олиб келмасмикин? Ахир, уруш қатнашчилари орасида ҳамон совет орденларини тақиб, фалон тепалик учун қон тўкканман, деб юрганлар ҳам йўқ эмас-ку?

ЖАВОБ. Албатта, бундай одамлар бор. Лекин ишончим комилки, бу одамлар сиз айтгандек, қандайдир номсиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жангоҳда бўлмасан, ўз она юрти, туғилиб ўсган қишлоғи, муштипар онаси, суюкли ёри, фарзандларининг қадрдон сиймоси доимо юрагида, фикру ҳаёлида турган. Жангу жадал майдонларида Сталин учун ёки қандайдир маъмух улуг ғоя учун эмас, шулар учун жон берган.

САВОЛ. Мухтарам Президент, бу йил Ўзбекистон халқи ҳаётида сайловлар йили сифатида муҳим босқич бўлади. Сиз бўлғуси сайловлар ва уларнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?

ЖАВОБ: Аввало, бўлажак сайловлар барчамиз учун катта синов бўлишини айтиб ўтмоқчиман. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий қайфиятлар айниқса яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик қўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши — буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди.

Бундай ҳолатлар доимо бўлган, лекин бугун демократик тамойиллар ва қадриятлар жамоатчилик онгига қарор топаётган, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги учун шароит шаклланиб бораётган бир пайтда бу масала бўйича очик гапириш, унга одамларнинг ўз муносабатини ошқора билдириши алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг демократик давлат куриш, фуқаролик жамияти барпо этиш каби олижаноб мақсадларимиз ҳам шунга ундайди. Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илмиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳуқуқий фуқаролик жамиятида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга эканини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу борадаги қонунчилигимизни муттасил равишда замон талабига мос ҳолда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Ишончим комилки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асослар демократик сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч қандай монеликсиз рўёбга чиқариши, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода эта олиши учун имконият беради. Бир қарашда бу осонгина кечадиган жараёнга ўхшайди, лекин унинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари борки, бу ҳақда муфассалроқ тўхталиш лозим деб, ўйлайман.

Бизда эркин сайловлар ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган бўлса-да, у ҳали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмларига эга. Демакки, биз жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонуларимизнинг моҳиятига тегаран кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унутмаслик керакки, бўлғуси сайловлар кўп-партиявийлик асосида ўтказилади. Кураш қизгин бу-

лади. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига сингдириш лозим.

Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндошув ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шуниг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга танқидий кўз билан қараши, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, вазиим мулоҳазалар, пухта ўйланган ҳулосалар билдириши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор, деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи **мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишдир.** Бир пайтлар оташин шоириримиз Чўлпон «Юринг, дўстлар, халқ ичига бораёйлик!» деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, бўлғуси сайловларда ўз тарафдорларини кўпайтириб, жамиятда етакчи мавқени кўлга қиритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечая кундуз тиним билмай ишлаши керак.

Албатта, бу йилги сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, халқаро ташкилотларнинг синчков нигоҳи остида ўтади. Бу сайловларимизнинг ҳолис, ошқора ва демократик руҳда ўтишига кўмаклашад.

Бизнинг мақсадимиз — сайловларни ўз Конституциямиз ва қонуларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонун-қоңдалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминиди ўтказишдир. Умумэтироф этилган халқаро меъёрлар, илгор демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қилад.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак сайловларни демократия нуктаи назаридан, келажакимиз нуктаи назаридан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш керак.

Инсониятга берилган ноёб хислатлардан бири оддийлик бўлса керак. Мулоимлик, майинлик билан қўшилиб, оддийлик ўзининг янги-янги қирраларини кашф этади.

Юқоридаги хислатларни эсласанг беҳосдан аёлларга хос фазилат эканлиги хаёлингга келаверилади. Ушбу фазилатларга меҳрибонлик, раҳм-шафқат, мурувват каби хислатлар қўшилса, унинг жозибаси янаям ортади, маъно-мазмун ишоиди.

Оддийликни аёлларга хос фазилат дедик. Бунинг боиси шундаки, аёллар башариатнинг оналари бўладилар, бутун онгли мавжудот уларнинг махсулидир. Шундай бўлгандан кейин инсоний фазилатларнинг палка ёзишида, куртак отишида она — аёлларнинг ўрни ўзгача, бебаҳодир.

Турмушимизда муҳим ўрнашиб қолган оддийлик хислатининг ҳам сайқалланиб, ҳам жилоланиб бўй кўрсатаётганига она — аёллар сабабчиға ўхшайди. Айни вақтда оддийлик ҳаммадан кўра аёлларга ярашади.

«Оддийлик, — деб ёзганди Лев Толстой, — ахлоқий баркамолликнинг бош шартидир». Баркамол авлоднинг тарбиялашдек буюк ишни бошлаган мустақил мамлакатимиз учун фарзандларни инсонийлик фазилатлари руҳида тарбиялаш муҳимдир. Ана шу савоб ишда она — аёлларимиз бошқоқчилар.

Хаётда кўп марта аёллар билан мулоқотда бўласан. Улардаги мулоимлик, майинлик, ҳаммасидан ҳам оддийлигини кўриб маза қиласан, баҳри-дилнинг очилиб хузурланасан. Улардаги ушбу фазилат сени она-аёлларга нисбатан хурмат руҳида тарбиялайди. Уларнинг меҳр тўла кўзларидан жисминг жимирлайди, нур томиб турган

Йилда Рамазон ҳайитининг иккинчи кунини кечга томон байрам билан муборакбод қилай дедим-да қўшимининг уйига чиқдим.

— Э, келинг қўшни, си шўр айёмлари муборак, қани-қани, тўрга ўтинг, — деди акахон қўшим.

— Шу кўнларга етказганига бисёр шуқурлар бўлсин, марҳумларни Аллоҳ раҳматига олсин, қолганлар саломат, иймон бой бўлайлик.

— Нечук жимжит, неваралар кўринмайди?

— Ҳа, кеча, бугун меҳмонлар билан бўлиб эндигина кудаларни кўргани кетишди.

Шу пайт янгамиз икки кўлида икки коса овқатни хонтахта устига қўя туриб:

— Ассалому алайкум, қайнонангиз суйган куёв бўлган экансиз-а, — деди.

— Дўст киши таом устига, — деди акахонимиз.

— Ох-оҳ... Янга, лекин болпасиз, — дедим овқатни татиб кўриб. Акахонимиз «Янгангиз менинг мактабимни ўтаган», деди янгамга гурур билан нигоҳ ташлаб.

— Телевизорда палов-хонтуруни нақ гуваладек қилиб олиб, пешонасига ишқаб сўнг еяётган оила бошлиғи — эркакни кўргандирсиз? Уша пешона-

чехраларидан кўнглинг яйрайди. Ана шундай пайтларда аёлларнинг борлигига минг қарра шўқ қилиб, Тангридан уларга тинчлик, омонлик тилайсан.

Худди ана шундай аёлларимиздан бири, ҳозирда меҳнат гаштини сураётган, атрофдагиларга инсонийлик зийнатларини сочаётган меҳрибон

Мулоҳаза

ОДДИЙЛИК — ЗИЙНАТ

онахонимиз — Латофат ая Ирисовадир. Латофатхон опа билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида бўлим мудири бўлиб ишлаётганда танишганман. Агар хаёлимга «мулоимлик», «майинлик», «вазминлик», «оддийлик» сўзлари келиб қолса, дарров Латофат опа кўз ўнгимга келаверилади, ушбу аёлдаги назокат, исми жисмларига монанд латофат каби фазилатлар жамулжамдир.

Дунёда китоб чиқаришдан кўра кийин иш бўлмаса керак. Буни бошидан ўтказганлар яхши билади. Мен ҳам ана шундай вазиятга тушган пайтимда Латофатхон опага тўғри келганман. Аммо ундаги оддийлик, унга ширинсўзликнинг қўшилиши баҳри-диллигини очиб, яйраб кетардим.

1999 — Аёллар йили



Мусоқул УСМОНОВ,
Тошкент Молия институти
профессори.

ришкор бўлгани кўзлаб ақл-заковатни ишга солиш... Балли эр-с о б д а ё м о н — Офарин, офарин.

— Эркакларнинг пазандалиги тўғрисида қанча гапирмайлик оиланинг шефи (бошлиғи) аёллар бўлгани қандай яхши! Жамиятимиз ҳаёт бешигини тебратишда аёлларимизнинг имкониятлари чексиз, роллари катта, оиладаги масъулиятини айтмайсизми? Оиланинг саришталлиги, файзу таровати, фарзандларнинг одобда намунаю чакмодек бўлиб юришлари, эр қўчадан келганида ҳовлижойу уйдан тортиб, ҳатто деворларгача қилиб туриши аёлга боғлиқ эмасми?

— Офарин, офарин.

— Кўшничон, биз эркаклар уларни бир умр эъзозлаб, балли хонимлар, дейишдан толмайлик.

Жаҳонгир
АБУБАКИРОВ.

БАЛЛИ ХОНИМЛАР, ДЕЙЛИК

Пазор

матрасиз бўлибди. Уша кезлари эндигина турмуш кўрган пайтимиз эди. Бир оғиз бир нима девдим... Ҳеч эсимдан чиқмайди деген... «Олдингизга овқат деб олиб келиб қўйгандан кейин еяверинг-да», деса бўладими? Мақтаниш бўлма-синку мен ўзим унча-мунча пазандалардан қолишмайман, онам раҳматли бир кун «Сен аёл бўлиб қолсанг бир рўзгорни тиндирадиган аёл бўлар экансан-да», деган эдилар. Шунда «худо сақласин», дедим. Фаршга бир назар ташлаб ўтганми, ҳайтовур оилада ярим шефликни ўз зиммамга олишга тўғри келган ўшанда.

— Нафсиларимизни олганда эркак кишининг ми-

син! Шу боис ўз сабоғимни бошладим. Мана янгангиз ўзи айтсин мен уни сен укувсиз экансан, деб ҳеч камситган эмасман, ҳали-ҳамон эъзозлайман. Бахтимга омон бўлсин, мана ҳозир келинлар олдида унинг ўз мактаби бор. Бундай ўйлаб кўрилганда эллик-юз килолаб гуруччи дошқозонда сайратиб ким дамлайди, эркакларми? Ёнғокдек хамирни жўвани тагиға қўйиб пириллатиб айлантириб ёйиб ман-ти туғишу бирор беш кило келадиган хамирни лағмонга қўзишдек ишларни ким бажаради, эркак пазандалар эмасми? Қолаверса энг асосийси оила аталмиш муқаддас қасрни бошқариш, рўзгорни тебратиш,

ишироки, уларнинг меҳнати, ўсиб келаятган ёш авлод тарбиясида кўрсатаётган фидойи ишлари, маънавий ҳаётимизда тутган ўрни, бир сўз билан айтганда аёлларимизнинг мамлакатимизда амалга ошираётган бекиёс ўзгаришлардаги фаол иштирокига бағишланган муаллифлик ишлари қабул қилинади.

Матбуотда эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эшитилган материаллар танловга мазкур оммавий ахборот воситалари тахририятлари тақдимома-си билан 1999 йилнинг 15 декабригача қабул қилинади. Ушбу ижодий танловга 2000 йилнинг бошида яқин ясалаяди.

«Ҳаёт боғининг гуллари» ижодий танлови ғолиблари бир қанча қимматли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Тошкент шаҳрининг барча журналистларини «Ҳаёт боғининг гуллари» ижодий танловида фаол иштирок этишга даъват қиламиз.



«Ҳаёт боғининг гуллари» шиори остида ижодий танлов эълон қилади. Ушбу танловга мунис ва дилбар аёлларимизнинг ҳаётимиздаги фаол

иштироки, уларнинг меҳнати, ўсиб келаятган ёш авлод тарбиясида кўрсатаётган фидойи ишлари, маънавий ҳаётимизда тутган ўрни, бир сўз билан айтганда аёлларимизнинг мамлакатимизда амалга ошираётган бекиёс ўзгаришлардаги фаол иштирокига бағишланган муаллифлик ишлари қабул қилинади.

Матбуотда эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эшитилган материаллар танловга мазкур оммавий ахборот воситалари тахририятлари тақдимома-си билан 1999 йилнинг 15 декабригача қабул қилинади. Ушбу ижодий танловга 2000 йилнинг бошида яқин ясалаяди.

«Ҳаёт боғининг гуллари» ижодий танлови ғолиблари бир қанча қимматли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Тошкент шаҳрининг барча журналистларини «Ҳаёт боғининг гуллари» ижодий танловида фаол иштирок этишга даъват қиламиз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: «Парвардигорингиз, ёлғиз унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этади. Агар ота-оналарингизнинг бири ёки ҳар икковини қўл остида қўйсангиз, уларга қараб юф-тортманг ва уларнинг сўзларини қайтарманг. Уларга доимо яхши сўз айтинг. Улар учун хоҳисор бўлинг...».

Дарҳақиқат, Ислом ота-онани ҳурмат қилишни, уларга меҳр-шафқат кўрсатишни ҳар бир мўминнинг энг асосий бурчларидан санайди, аксинча, ота-онага осий бўлишликни энг қаттиқ гуноҳ, яъни гуноҳи кабиралардан ҳисоблайди ва бундайларнинг жойи жаҳаннамдир деб огоҳлантиради.

Ислом ақидаларига кўра, жамнатга қираман деган одам оналарининг розилигини олади. «Жаннат — оналарнинг оёғи остидадир». Отага итоат қилмоқ Аллоҳга итоат қилмоқдир. Улуғ китобларда: «Отага муҳаббатингизни сақла, агар сен отага бўлган муҳаббатингизни йўқотсанг, Аллоҳ сени ҳар турли фазилатлардан марҳум қилур», деб таълим беради.

Жаноби Расулulloҳ ота-онани ҳурматлашни, уларга эҳтиром, меҳр кўргазини кўп бора уқтирганлар. Ровийлар бу ҳақда Расулulloҳдан жу-да кўп ҳадисларни ривоят қилишган. Расули акрамнинг таълим беришлари-ча, ота-онага шафқатли бўлган кишини Тангри таоло қиёмат кунини ҳимоя қилиб, уларга оқ бўлган кишига жаннат эшиғи берилди. Бир ҳадисда: «Ота-оналарнинг кескалик чоғида ҳар иккисини

ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин», дейилади. Кимки ота-онасининг розилигини олган бўл-

са, унга қандай яхши. Тангри унинг умрини узун қилади.

Пайғамбар алайҳиссалом хузурларига бир саҳоба келиб сўрабди:

— Ё Расулulloҳ! Менинг бетеб онам бор, уни ўзим овқатлантираман, сув ичираман, таҳорат қилдириб қўяман, елкамда опичлаб юраман, ҳаққини тўла адо қилдимми?

— Йўқ, — дебдилар Расулulloҳ, — юздан бирини ҳам адо қилмагансан. Аммо яхши иш қилибсан, Аллоҳ шу оз ишингга кўп савоблар беради.

Ривоят қилишларича, бир ўғил онасини рози қилмоқчи бўлибди. Бу ҳақда онасидан сўраганида, она: «Ўғлим, менга бир пиёла она суги топиб келсанг, рози бўламан», — дебди. Ўғил она сугини излаб қирмаган уйи, ялнмаган эмизикли аёл қолмаб-

ди. Бироқ ҳеч қайси она жигарпорасининг ризқини қийиб, суг бермабди. Охир-оқибат ўғил онасининг ёнига қайтибди. Бўлган воқеани онасига сўзлаб берибди. Шунда она: — Кўрдингми, ўғлим, ҳеч бир она боласининг ризқини бермайди, — дебди. Ўғил онасининг қадрига етибди, волидасини рози қилиш учун бутун ҳаётини бағишласа ҳам онанинг ҳаққини адо қилолмаганини тушуниб етибди.

Ибратнома

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Бир она фарзандини дунёга келтирар экан, тирик-лигининг қуввати бўлган суги билан уни тўйдирди, кучоғида ўстиради, муҳаббатининг меvasи бўлган фарзанди учун ширин уйқуларидан кечиб, алалар айтади. Унинг тарбияси, бахти учун жон-ҳақди билан тиришади.

Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари қуйдагилардан иборатдир:

1. Агар овқатга муҳтож бўлишса, овқатлантириш.

2. Кийимга муҳтож бўлишса, кийинтириш.

3. Хизматга муҳтож бўлишса, хизматларини қилиш.

4. Чақириниш, «лаббай» деб етиб келиш.

5. Гуноҳ ва ғийбат ишлардан бошқасига буюришса, итоат қилиш.

6. Кўполлик қилмай, мулоимлик билан гаплашиш.

7. Уларнинг исмларини атаб қақирмаслик.

8. Олдинга ўтиб кетмай, ортларида юриш.

9. Ўзлари ёмон кўрган нарсани уларга раво қўрмамаслик ва яхши кўрган нарсани илиниш.

10. Аллоҳдан ўзи учун қандай мағфират тиласа, уларнинг ҳам гуноҳларини кечишни сўраш.

Ёшларда ўзимга ўзим дер эдим,

Шер шер бўлур, гарчи кеска бўлса ҳам.

Кескалик этиб келгачи, энди билдим,

Кеска кескадир,

гарчи шер бўлса ҳам.

Эй фарзанд, кўрдингми, ёш улғайган сари танадан мадор кетади, кескаликнинг аянчили, нохуш дамлари бошланади. Шунинг учун ҳам ёши улғуларни, ота-онани доимо ҳурмат қилинг, кўнгилларини оғритманг, қўлингиздан келганича уларга хизмат қилинг. Қилган хизматингизни миннат қилманг. Уларнинг олтинга баробар дуоларини олинг.

Чақалоқлик чоғингиздан сизларни ўстириб, тарбия бериб, илм-хунар ўргатиб камолга етказган ота-онангизга кескадан чолларидан ширин сўзингизни, ёрдамингизни дариг тутманг.

Ҳаммамизга кеска ота-оналаримизни парварши қилишимизда Аллоҳ сабру қаноат берсин, уларнинг муътабар ёшларига етишни насибу рўзи айлсин.

Баҳриддин ТУРҲУНОВ тайёрлади.

Кино

«ЁМГИР ОҲАНГЛАРИ»

«Ўзбектеелефильм» ижодий жамоаси кино муҳлисларини қадрдон она масканимиз бўлиши Тошкент билан таништириш ишига қўл урди.

«Ёмғир оҳанглари» деб номланган фильмда биз кундан кунга чирой очиб бораётган пойтахтимизни ёмғир остида кўрамыз. Тун, чироқларнинг минг хил турларини остида порлаб турган Тошкент кўчалари, осмонўпар бинолари, кўзларни қамаштирувчи масканларни кузатар эканмиз ўзгача бир оламга, эртақлар мисол ўлкага тушиб қолгандай ҳислар чулғаб олади. Айниқса, гўзал пойтахтимизнинг самодан олинган тунги, ёмғир остидаги кўринишлари шушалаб жилвасида кўзларни яшнатади.

Фильм ижодкорлари —

сценарий муаллифлари Кўчкор Каримов, Валентина Чернова, режиссёр Шавкат Жунайдуллаевлар киновнинг сеҳрли олами орқали пойтахт билан таништириб борадилар. Владимир Барамиков басталаган қўшиқ ва му-сиқалар бизларни шаҳар бўйлаб қузатиб борар экан, янада фусункор тус олаётган масканлар ўзгача тароват билан монөөн бўлади.

Тез кўнларда эътиборингизга ҳавола этилади-ган фильм пойтахт ман-зараларини ўзгача кўз билан қарашга қорлайди.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.



Ёмғирда сайр қилишнинг ҳам завқи бўлакча.

ИБН СИНО — МАРКАРДА

Биз ва жаҳон

ичлик Кенгаши ер юзидagi барча мамлакатларни ана шу юбилейни кенг байрам қилишга даъват этди. Польша, Германия, Эрон почта бошқармалари минг йилликка бағишлаб учта марка чиқаришга эришдилар. Булар орасида Польшада тайёрланган марка алоҳида ажралиб туради. Уни босиб чиқаришда XVI асрга доир бир форс миниатюраси асос бўлиб хизмат қилди. Польшалик шарҳунос олим М. Мейергоф коллекциясида сақланиб келинаётган ушбу миниатюрда Абу Али ибн Сино суратининг тисмоли ўз аксини топан эди. Рассом олимни бир гуруҳ шогирдлари даврасида тасвирлаган эди.

Урта аср Европаси тасвирига хос бўлган Ибн Сино сурати Германияда нашр қилинган марканинг юзага келишига замин ҳозирлади. Эрон маркази эса Эроннинг Ҳамадон шаҳрида Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан чиқарилган юбилей нишони учун ишланган сурат асосида чоп қилинган. Ушбу сурат тисмоли таниқли Эрон рассоми ва ҳайкалтароши Абул Ҳасан

Ақбар АЛИЕВ.

● ОШҚОЗОН ЯРАСИни даволаш учун сачратки ўт (цикорий) томири майдаланади. 0,5 литр сувга 3 ошқошиқ солиб ярим соат давомида қайнатилди. Кунига ярим пиёла микдорда уч маҳал овқатдан олдин ичилади. Ўн кунгача илгач, шунча кун дам олинг, кейин яна муолажани давом эттирасиз.

● ТОМОҚ ОҒРИГИГА гулбур (ё гулхамшаба-ҳор) қайнатмасидан фойдаланмоқ дори йўқ. Ўсимлик гулдан 2 ошқошиқ олиб, 200 мл. сувда қайнатасиз.

Қайнатма билан томоқни кунига 2—3 маҳал чайқаб турасиз.

● Анор дарахтининг пў-

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

ни 250 мл. иссиқ сувга бир чой қошиқ солиб эритиб, сўнг бу эритма билан ҳам ҳар соатда томоқни фарғара қилиб турсангиз фойда-си катта бўлади.

● ЯЛПАЗНИ қайнатиб томоққа боғланса, томоқ

● ИТУЗУМНИНГ ўн донасини олиб бирийўла сувини шимсангиз оғрик йўқолади. Лимон кислотаси-

шамоллаши тез йўқолади. (Бу усул айниқса болаларнинг томоғи хасталанганда қўл келади).

● ТИШ ОҒРИГИНИ қолдириш учун юлғунинг баргини янчиб оғрик тишга босинг. Ёки баргини озгина микдорда шароб (вино)га қўшиб қайната-сиз. Ҳосил бўлган эритма милқлардаги оғрикни қолдириш ёки чириган тишларни даволаш учун фойдаланилади. Баргизуб томирини қайнатиб, оғизни чайсангиз ҳам тиш милқидан қон оқишини тузатади.

Тўпловчи МОҲИНУР.

Маълумки, 1999 йил Ўзбекистонда Аёллар йили деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Янги йил табриғида таъкидланганидек, Аёллар йилида мунис оналаримизнинг, меҳрибон опа-сингилларимизнинг, гўзал ва оқила кизларимизнинг жамиятдаги, оиладаги, меҳнат жамоаларидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларнинг қадр-қимматини муносиб даражага кўтаришимиз керак.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Аёллар йили муносабати билан уларнинг ҳар жабада кўрсатаётган фидойиликларини матбуот, телевидение ва радиода чуқур, ёрқин ва ҳар тарафлама ёритиш мақсадида

1 2 3 4 5 6